O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 11 апрель, № 68 (3867) Сешанба

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 апрель куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Мироновни қабул қилди.

— Ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатларимиз ўтган йилнинг ноябрида Москвада имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага мос равишда ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириб, тараққий эттирмоқда.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан имзоланган алоқаларни иттифоқчилик даражасига кўтариш тўғрисидаги ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни барча соҳаларда кенг ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб берди. Бугунги кунда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий, ижтимоий йўналишларда юксалиб бормоқда.

Ҳамкорлик алоқаларининг янгича сифат касб этишида ҳукумат ва парламент доиралари ҳам салмоқли ўрин тутмоқда. Сўнгги беш ой мобайнида Россия Федерациясидан Ўзбекистонга 14 расмий делегация ташриф буюргани, жумладан, улардан тўрттаси парламент вакилларидан иборат бўлгани диққатга сазовордир.

Парламентлараро алоқаларни янада такомиллаштиришдан, унинг доирасида қонун ижодкорлиги борасида тажриба ва ахборот алмашувини кенгайтириш ва халқаро сиёсат билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан узвий мулоқотлар олиб боришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор. С.Мироновнинг ташрифи асосида Ўзбекистон ва Россия парламентларининг юқори палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланганги бунинг яна бир тасдиғидир.

С.Миронов айни пайтда МДҲ Парламентлараро ассамблеяси кенгашига ҳам раислик қилмоқда. Бу эса унинг ташрифи Ўзбекистон билан Россия олий қонун чиқарувчи органларининг Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокамаси учун ҳам қулай имкониятдир.

Меҳмон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат сенаторларининг мулоқоти иттифоқчилик муносабатлари анъаналарига мос тарзда фаоллашиб бораверишига ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Россия парламентлараро алоқалари билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

РОССИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Миронов раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлди.

Сенат раиси Иягизар Собиров билан учрашувда икки мамлакат парламентлари юқори палаталари ўртасидаги алоқаларни ҳамда қонунчилик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Меҳмонлар Сенат ва унинг қўмиталари фаолияти билан танишдилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати билан Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди. Бу Олий Мажлис Сенати тарихида имзоланган илк халқаро ҳужжат бўлди.

— Мазкур битим Ўзбекистон билан Россия ўртасида қонунчилик борасидаги алоқаларни янада кенгайтиришда улкан аҳамият касб этиши шубҳасиз, — деди С. Миронов. — Ушбу ҳужжатга мувофиқ яқин кунларда ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўйича икки мамлакат сенаторларидан иборат экспертлар комиссиясини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, сенатлар девонлари ўртасида ҳамда Ўзбекистон вилоятлари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳужжатда ўз ифодасини топган.

Шу ўринда Ўзбекистон билан Россия муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар, жумладан, ўтган йил ноябрда Москвада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин имзолаган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон бой маданий ва тарихий меросга эга мамлакат эканини ҳам алоҳида таъкидлашни истар эдим. Хусусан, кеча қадим Самарқандда бўлганимда қадимий обидалар, айниқса, Мирзо Улуғбек расадхонаси менда унутилмас таассурот қолдирди.

Россия парламент делегацияси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан ҳам музокара ўтказди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Мазкур ташриф бу борадаги алоқаларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари ҳузурида Ўзбекистон билан Россиянинг ўзаро муносабатларига доир долзарб мавзуда маъруза қилди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳазрат соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча гўшаларида маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

МИЛЛАТ ЭҲТИРОМИ

Республика Фанлар академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқаро Амир Темур жамғармаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ана шундай тадбирларга бош-қош бўлдилар.

Пойтахтимиздаги соҳибқирон номи билан аталувчи хиёбонда таниқли олимлар, зиёлилар, давлат арбоблари, хорижий меҳмонлар ва кенг жамоатчилик иштирокида Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Сўзга чиққанлар, хусусан, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси раиси Муҳаммад Али ва бошқа жамоат арбоблари буюк бобокалонимизнинг тарихий ўрни, унинг миллат ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини яна бир бор эътироф этишди. Темурийлар тарихи давлат музейи бўйлаб саёҳат тадбирга янада файз киритди. Шунингдек, "Амир Темур ва темурийлар даври тарихи билимдони", "Энг яхши шеър" танлови ғолибларига мукофотлар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ва Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Анвар САМАДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Сергей Миронов:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ОМОНЛИК ТИЛАЙМАН»

Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Миронов ташриф давомида бир қатор оммавий ахборот воситалари қатори парламент газетаси мухбирига ҳам бажонидил интервью берди.

Россия юқори палатаси раҳбари Ўзбекистонга келиб биринчи бор Самарқанддаги тарихий обидалардан чексиз ҳайратга тушганлигини билдирди. Тараққийпарвар инсоният баҳраманд бўлаётган илм — алгоритм айнан ўзбек заминида кашф этилганлигидан энди воқиф бўлганлигини изҳор қилди. Шунингдек, меҳмон икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш яхши самара бериши тўғрисида сўзлади.

Журналистлар билан учрашувда Сергей Михайлович газетамизга ушбу дастхатни туҳфа қилди:

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари муштарийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар ҳамда бутун Ўзбекистон халқига гуллаб-яшнаш ва омонлик тилайман.

Сергей МИРОНОВ».


Желаю читателям газет: „Халқ сўзи" и „Народное слово" здоровья, счастья и успехов и всему народу Узбекистана процветания и мира.
10.04.2006.

Анжуман

Вазифалар белгилаб олинди

Давлат солиқ қўмитасининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлат солиқ хизмати органларининг 2006 йил биринчи чорақдаги фаолияти якунлари муҳокама этилди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш ҳамда автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш бўйича ишларнинг бориши юзасидан мазкур ҳудудий ДСБ бошлиқларининг ҳисоботлари тингланди.

Шунингдек, йиғилишда айрим турдаги юқори ликвидли ва акцизга тортиладиган товарларнинг сотилиши ва ундан тушадиган пул маблағларини назорат қилиш масаласи ҳам муҳокама этилди. Бу йўналишдаги ишлар Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар давлат солиқ идоралари томонидан етарли даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Муҳокама давомида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга бўлган боқимандаларни ундириш юзасидан олиб борилаётган ишлар, жисмоний шахсларга ҳисобланган солиқлар ҳисобининг тўғри юритилишида, истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтган дебиторлик қарзларни тугатишда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлари учун Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани, Қашқадарё вилоятининг Муборак, Шаҳрисабз туманлари ва Қарши шаҳар ДСИ бошлиқлари эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди. 20 нафардан ортиқ раҳбар ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Ўз мухбиримиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФРАКЦИЯЛАР ЙИҒИЛИШИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, "Миллий тикланиш" демократик, Фидокорлар миллий демократик партиялари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, фракциялар аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Партиялар фракцияларида дастлаб, мамлакатимиз Президентининг шу йил 3 апрелдаги "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимиз аҳолиси ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш, дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнларга фуқароларимизда холис муносабат билдиришни шакллантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, партиялар фракциялари томонидан ушбу қарордан келиб чиқиб, Андижон воқеалари чоғида ҳалок бўлганларнинг оилаларига моддий ва маънавий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиш, олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида турли мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ташкил этиш, оммавий-маданий тадбирларни уюштириш режалаштирилди.

Фракциялар йиғилишларида, шунингдек, қуйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонунлар лойиҳалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Знёда АШУРОВА.



2006 йил мамлакатимизнинг азамат вилоятларидан бири — Қашқадарё тарихига зарҳал битиклар билан муҳрланмоқда. Табиат баҳорий гўзаллигини кенг оламга намоён қилган фаслда Қашқа воҳаси «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари қатнашчиларини оғушига олади.

ҚАШҚАДАРЁ — БУНЁДКОРЛИК МАЙДОНИ

Олтин кузда, юртимиз далаларидан ҳосил саришта қилиниб, хирмон баракасидан кўнглимиз хотиржам паллада Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темурнинг 670 ёшини катта тўй қилиб нишонлаймиз.

Қашқадарё вилоятининг бугунги салоҳияти, ютуқлар кўлами ҳақида ҳар бир ватандошимиз етарли маълумотга эга. Ўзбекистонда ғалла ва

Истиқлол тимсоллари

пахта хирмони бунёд этишда энг салмоқли ҳисса Қашқадарёга тегишли. Вилоят далаларидан ўтган йили 877 минг тоннадан зиёд ғалла, 476 минг тонна пахта йиғиштириб олинди. Ҳудудлари уфққа туташ вилоят заминида қазиб олиниб, қайта ишланаётган нефть-газ захиралари бутун Ўзбекистоннинг бойлигидир.

Ана шу бойлик, хазиналар бугун Президентимиз раҳнамолигида халқ манфаатларига хизмат қилдирилмоқда. Бу қутлуғ заминда бўлажак тадбир ва маросимлар эса бутун Қашқадарё халқининг руҳига беқиёс бардамлик, кўтаринкилик бахш этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Ўтган ҳафтага назар

Ҳар бир ўтаётган кунимиз тарих. Шунинг учун ҳам ҳеч бир киши уни изсиз, бехуда ўтказишни хоҳламайди. Айниқса, биз, ўзбеклар.

Баҳорнинг иккинчи ойи давом этмоқда. Деҳқон кўклам юмушлари билан банд. Ишчи завод ва фабрикасига шошилмоқда. Қурувчи эса...

Биздан яхши ном қолсин

Ўтган ҳафта ҳақида гап кетганда, бу шарафли касб эгаларини алоҳида ҳурмат, эҳтиром билан эслашга тўғри келади. Зеро, мустақиллик туфайли юртимизда қурувчилик касби яна ҳам улуғланди. Истиқлол боис халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти янада ошди. Ўзбекистон том маънода қурилишлар майдонига айланди. Айниқса, пойтахтимиз Тошкент жамоли кундан-кунга чирой очиб бормоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ўтган ҳафтанинг сешанба куни Тошкентда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Қоратош — пойтахтимизнинг энг эски маҳаллаларидан бири. Бу ерда яқин-яқингача пастқам, кўримсиз иморатлар кўп эди. Наврўз байрами кунлари маҳаллада бирйўла учта ижтимоий объект — оилавий поликлиника, тикувчилик корхонаси ва маҳалла маркази ишга тушди.

Юртбошимиз маъруза ва асарларида халқимиз олдида турган барча долзарб масалалар қаторида миллат саломатлиги, аҳолини иш билан таъминлаш ва мамлакатда демократик тамойилларни, яъни ўзини-ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қиладилар. Қоратош маҳалласида ишга тушган уч бино шу уч вазифасини ҳал этиш йўлидаги навбатдаги қадамдир.

Мамлакатимиз раҳбари маҳаллада қуриб ишга туширилган ушбу биноларни таниш экан, улар шунчаки, замонасозлик учун қурилмаётганлигини таъкидлади. Жумладан, оилавий поликлиника ҳақида гапира туриб: «Бундай поликлиникаларда биринчи галда чақалоқлар, болалар ва оналар, ҳомиладор аёлларга, шунингдек, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш устувор вазифага айланмоғи лозим. Яна бир муҳим жиҳат, оилавий поликлиника ходимлари беморни кутиб ўтирмасдан, аҳолининг доимий тиббий ёрдамга муҳтожлик даражасини мунтазам ўрганиб боришлари, профилактика ишларини изчил амалга оширишлари керак» деди.

Ўша куни Президент Ислом Каримов Самарқанд дарвоза маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда милиция таянч пунктининг янги биноларини ҳам бориб кўрди. Миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, эл-юрт осойишталиги ва тинчлигини асрашда, ёшларимизни ҳар томонлама етук, комил ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашда маҳалланинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлади Юртбошимиз маҳалла фаоллари билан суҳбатда.

Ўтган ҳафтанинг муҳим воқеаларидан яна бири Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Бельгия Қироллиги ташқи ишлар вазири Карел де Гюхтнинг республикамизга ташрифи бўлди. Мартабали меҳмонни Президент Ислом Каримов қабул қилди. Дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон — ЕХҲТ ҳамда мамлакатимиз ва Бельгия Қироллиги ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақида фикр алмашилди.

7 апрель куни Оқсаройда яна бир қабул маросими бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий вице-президенти Шигео Катсу билан учрашди. Ўзаро суҳбат чоғида икки томонни қизиқтирувчи масалалар муҳокама этилди.

Куни кеча Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 670 йил тўлди. Буюк бобокалонимизнинг юбилейи мамлакатимизда кенг нишонланди. Пойтахтимизнинг улуғ саркарда номи билан аталувчи хиёбонида ушбу санага бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Бу ерга зиёлилар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари йиғилдилар. Сўзга чиққанлар Амир Темурнинг давлатчилигимиз тарихида тутган ўрни ҳақида гапиришди. Шундай тантаналар юртимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам бўлиб ўтди.

Ўтган ҳафтада дунёда рўй берган муҳим воқеалар ҳақида гапирганда, Италия ва Венгриядаги парламент сайловларини эслаш жоиз. Сиёсатчилар Италиядаги сайловларни мамлакат тарихидаги энг нопок сайлов дея эътироф этишмоқда. Гап шундаки, сайловга қадар бўлган дебатларда ўнглар ва сўллар раҳбарлари Романо Проди ва Сильвио Берлускони бир-бирини ҳақорат қилишгача бориб етишди.

Ўтаётган ҳар кунимиз тарих. Унда кимдир яхши ишлари билан из қолдиради. Яна биров аксинча. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари халқимизнинг келгуси авлод олдида ҳамиша юзи ёруғ бўлишидан далолатдир.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

РОССИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу куни Россия парламенти делегацияси аъзолари Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ҳам бўлди. Бу ердаги кутубхонада сақланаётган нодир китоблар билан танишди.

Ташриф якунида С.Миронов журналистлар билан суҳбатда Андижон воқеаларини узоқни кўзлаб амалга оширилган террорчилик ҳаракатидан ўзга нарса эмас, деб баҳолади.

— Шунинг учун Россия Ўзбекистон ҳукуматининг 2005 йил май ойида Андижонда юз берган фожиали воқеалар чоғида кўрган чора-тадбирларини тўла қўллаб-қувватлайди. Андижон воқеаларининг ташкилотчилари нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси, ҳатто Россияга қарши қўпорувчиликлар уюштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шу боис Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мазкур террорчилик хуружини бартараф этиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ягона тўғри йўл эди, — деб таъкидлади Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси С.Миронов.

(ЎзА).

Адлия вазирлигида Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи, ТДЮИ ҳузуридаги академик лицей, республика юристлар малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар адлия бошқармаларининг вакиллари ҳуқуқий маърифат тарғиботи бўйича етакчи маслаҳатчилар, давлат органлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида «Ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларнинг ечими» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ҳуқуқий тарғибот самараси сари

Анжуман

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, амалий ташаббускорликни ривожлантириш, тадбиркорларга бизнесни ташкил этиш борасида яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушунтириш, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш манбалари, Ўзбекистонда демократлаштиришни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштиришда адлия идораларининг вазифалари кенг муҳокама этилди.

Семинарда олимлар ҳамда амалиётчиларнинг соҳа фаолиятини яхшилашга, ҳуқуқий тарғиботнинг сифат ва самарасини оширишга қаратилган чиқишлари жамиятимизда ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг қирраларини белгилаб беришда муҳим омил бўлди. Шунингдек, анжуманда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган тарғибот бўйича давлат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларига оид чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган кўрик-танлов якунланди.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Мудофаа вазирликлари, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган эди. Мазкур ижодий беллашувдан кўзланган асосий мақсад — ёшларда миллий давлатчилигимизнинг бой анъаналарини ҳар томонлама чуқур англаш, уларда миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтиришдан иборат эди.

Самарқанд Архитектура ва қурилиш институти талабаси Адҳам Ёрқулов "Тегина бегим ўғли Темурбек" ҳайкали учун, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм кичик сержанти Ҳабибжон Мамажонов кулолчиликдаги туркум ишлари учун, Республика болалар бадиий ижодиёти маркази тасвирий санъат студияси ўқувчиси Музаффар Қодиров "Амир Темур", "Боғи Дилкушо" каби расмлари учун, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти талабаси Зуҳра Собирова "Темур тузуклари"да руҳият минтақаларига бағишланган ижодий иши учун кўрик-танловда биринчи ўринга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Соҳибқирон Амир Темурга бағишлаб эълон қилган энг яхши шеър танлови натижалари ҳам маълум бўлди. Ғолиблик Бухоро Давлат университети ўқитувчиси Нодира Афоқова ҳамда Сурхондарёнинг "Чағониён" газетаси мухбири Шодмонқул Саломовга насиб этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.



Ўзининг қутлуғ 2000 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кўраётган қўҳна ва навқирон Марғилонда яна бир қўшма корхона иш бошлади. Собиқ "Атлас" бирлашмаси биносида қад ростлаган "Марғилонтекс" қўшма корхонасида калава ипларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Марғилонтекс» маҳсулотлари:

СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

"Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш" АЖ ҳамда Туркиянинг «Седаттекс» фирмаси ҳамкорлигидаги ўзбек-турк қўшма корхонаси маҳсулотларига дастлабки буюртмалар туша бошлади.

Таъкидлаш жоизки, янги корхонани бунёд этишда АТ "Пахтабанк"идан олинган 2,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит қўл келди. Ана шу маблағ ҳисобига Германиянинг "Труглер", Чехиянинг "Заурер чек", Туркиянинг "Сантес" компанияларидан энг замонавий технологик ускуналар, дастгоҳлар харид қилинди. Ушбу корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач эса, йилига 3760 тонна пневмомеханик калава ип ишлаб чиқарилиб, 6,5 млн. доллар миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилиш имконияти туғилади. Бундан ташқари, бунёд этилаётган эгиз корхонада эса тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

— Бугун жамоамизда 220 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, — дейди тўқувчи Олимахон Каримова. — Мен ва бошқа тенгқурларим замонавий дастгоҳларда ишлашни орзу қилар эдик. Ниятимиз Наврўз шодиёналари давом этаётган кунларда ушалди. Умид қиламизки, Марғилонимизнинг шойи-атлас шаҳри сифатидаги шуҳрати янада ошади.

Набижон СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири.

Қўшма корхоналарда

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

«Алоқабанк»:

Фарғона филиали – мижозлар ҳамкори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида эришилган натижаларга холис ва оқилона баҳо берилиб, демократик янгиланиш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида улкан қадамлар қўйилганлиги алоҳида таъкидланди. Буни республикамизнинг ўрта универсал банкларидан бири ҳисобланган акциядорлик тижорат «Алоқабанк»ининг Фарғона филиали ва унинг мини банклари фаолияти мисолида кўриш мумкин. 2004 йил июнь ойида ташкил этилган бўлим бугунги кунда турли мулк шаклидаги 124 тадан зиёд юридик шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатмоқда. Яъни банк филиали ва мини банклари хўжалик юритувчи субъектлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ҳамда йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг сифатли ва замонавий банк хизматларига бўлган талабларини қаноатлантириб келмоқда.

Ҳозирги кунда унинг жами активлари 908,4 млн. сўмга етиб, ўтган йилдагига нисбатан 48,1 фоизга ёки 437,6 млн. сўмга ўсди.

2006 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Фарғона филиали томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқларига ажратилган кредит қўйилмалари миқдори 613 млн. сўмни ташкил этди. Уларнинг 490 млн. сўми юридик шахслар ҳамда 123 млн. сўми жисмоний шахсларга йўналтирилди. Натижада 100 дан ортиқ янги ишчи ўринлари барпо этилди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кенгайтириш борасида ҳам филиалда фаол иш олиб борилди. Натижада унинг миқдори 112 млн. сўмни, шу жумладан, талаб қилиб олингунча депозитлар 13,5 млн. сўмни, жамғарма депозитлари 72,5 млн. сўмни, муддатли депозитлар 26 млн. сўмни ташкил этди.

Пластик карточкалар асосида иш ҳақини тўлаш, улардан чакана савдода, коммунал, алоқа ва хизматларнинг бошқа турлари бўйича ҳисобкитобларни амалга оширишда фойдаланишни ташкил этиш борасида филиалда муайян ишлар олиб борилди.

2006 йил1 апрель ҳолатига банк томонидан 561 та пластик карточка эмиссия қилинди ва тўлов хизматлари учун 15 дона терминаллар ўрнатилди.

Бугунги кунда филиалда 12 турдаги жозибадор омонатлар мавжуд. Шундан 9 таси муддатли омонатлар ҳисобланади. Йиллик 22 фоизли «Шифокор», йиллик 21 фоизли «Файзли», йиллик 30 фоизли «Бахтли болалик», йиллик 20 фоизли «Яхши ният» ва йиллик 20 фоизли «Хумо» омонатлари шулар жумласидандир.

t

ИХЧАМ, БАТАРТИБ ВА САМАРАЛИ ШИРКАТ

Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида уй-жой коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласини устувор вазифалардан бири сифатида қайд этди. Маърузада уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги бошқарувни тубдан яхшилаш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) мақомини, ташкилий ва молиявий мустақиллигини, фаолиятининг самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралда қабул қилинган "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳада юзага келган муаммоларнинг ечимини топишда дастурилламал бўлмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ шаҳарлар — вилоят марказларида, Тошкент шаҳри туманларида, шунингдек, аҳолиси 60 минг кишидан ошадиган, кўп хонадонли уйларга эга шаҳарларда УМШларнинг уюшмалари ташкил этилди. Улар ширкатларнинг фаолиятини яхшилаш, хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйишга кўмаклашмоқда.

Қайд этиш жоизки, ширкатларни етарли даражада ваколатга, зарур имтиёз ва преференцияларга эга бўлган уй-жой мулкдорларининг ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институтларига айлантирмай туриб, уларнинг фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш мушкул. Ҳолбуки, айрим УМШлар аъзоларидан тўпланган маблағларни уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга йўналтириш ўрнига уларни ҳеч қандай режасиз, назарда тутилмаган мақсадларга сарфлаб юбормоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Қорасув мавзесидаги 4-уй негизида «Адолат сари» УМШ тузилмаганида, қирқ квартирадан иборат беш қаватли уй бирйўла 41 та кўп қаватли уйни бошқараётган улкан »Қорасувкоммунал» ширкати таркибидаги қаровсиз уйлардан бири бўлиб қолаверарди. Бундан икки йил илгари ташкил этилган мазкур ширкат хонадон соҳибларининг мадади билан қисқа фурсатда улкан ишларни амалга оширди.

Гарчи Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонунида ширкат алоҳида уйда, ҳатто уйнинг битта блок-секция ҳажмидаги қисмида ташкил этилиши қайд этилган бўлса-да, «Адолат сари» ширкатини тузиш осон бўлмади. 1978 йилда қурилган, бирор марта ҳам капитал таъмирдан чиқмаган авария ҳолатидаги уй аҳли ўзининг умумий мулкини ўзи бошқаришга қарор қилганида, улардан йиғиладиган катта миқдордаги фойдаланиш харажатлари тўловини қўлдан чиқаришни истамаган «Қорасувкоммунал» УМШ раҳбарияти бу қарорга қаршилик қилди. Битта уйни бошқаришни кўзда тутган ширкат фаолияти самарасиз бўлиб, йиғилган пули ўзига етмайди ва натижада уйга яхши хизмат кўрсатолмайди, деган важ билан ширкат рўйхатга олинмади. Бироқ суд адолатни тиклади: туман ҳокимлиги ширкатни расмий рўйхатдан ўтказадиган бўлди...

Ширкатларнинг фаолияти кишиларга ортиқча бош оғриғи туғдириш эмас, балки уларнинг умумий мулкини бошқаришдаги муаммоларни ҳал этишдан иборат бўлмоғи лозим. Аъзолардан тўпланган маблағларни бошқа мақсадларга йўналтириш эмас, аксинча, уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга сарфлаш даркор. Тошкент шаҳар хўжалик судининг ажрими билан янги ширкат тузилгунига қадар шу уй соҳибларидан тўпланган маблағларнинг уйга сарфланмаган қисми — икки миллион юз минг сўм «Қорасув-коммунал» ширкатидан «Адолат сари» ширкати фойдасига ундирилди. Ҳисобли дўст айрилмас деганларидек, уй аҳлининг икки миллион сўмга яқин фойдаланиш харажатлари тўловидан қолдиқ қарзлари ҳам ширкат тасарруфига ўтказилди.

Ширкат аъзолари умумий йиғилишида кўпчиликни изтиробга солган муаммо — чакка ўтавериб путурдан кетган томни капитал таъмирлашга қарор қилинди. Излаган имкон топар деганларидек, ширкат Урбан институти томонидан ўтказилган «2005 йилда Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида фаолият кўрсатаётган УМШларининг энг яхши иш тажрибаси» танловида иштирок этиб, учинчи ўринни эгаллади. Танловда қўлга киритилган тўрт минг доллар ёнига ширкат ҳисобидан 800 минг сўм қўшилиб, том капитал таъмирланди.

Ширкат раҳбариятининг елибюгуришлари натижасида мазкур уй ҳукуматимизнинг 1991 йилгача қурилган уйларни капитал таъмирлаш дастурига киритилди. Ўтган йили давлат бюджетидан ажратилган ўн уч миллион сўм маблағ эвазига барча эскирган қувурлар: иссиқ ва совуқ сув, иситиш тизимлари замонавий пластик қувурлар билан алмаштирилди.

Ширкатларда асоссиз равишда бошқарув ва хизмат кўрсатиш ходимларининг ортиқча штати сақлаб қолиниши, маблағларни суиистеъмол қилиш ҳолатлари кузатилаётгани сир эмас. «Адолат сари» УМШ бошқаруви эса ихчамгина: раис, ҳисобчи, боғбон-фаррошдан иборат. Бошқа мутахассислар зарурат туғилганидагина шартнома асосида ишга жалб этилмоқда. Йиғилган маблағларнинг ҳар бир тийини ҳисобли, зарур эҳтиёжгагина сарфланади.

— Умумий мулкни тасодифий кишилар эмас, унинг ҳақиқий эгалари бошқаргани маъқул, — дейди «Адолат сари» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Юсуф Эшонқулов. — Алоҳида ширкат тузганимиздан буён уйимизни ҳар томонлама обод этиш ишига ёшу қари бирдек фаол иштирок этадиган бўлди. Кишида мулкдорлик ҳисси кучайгани сайин умумий мулкни бошқариш ва уни рисоладагидек сақлашга бўлган интилиш ҳам ортар экан. Ширкатимизда фойдаланиш харажатлари тўловидан қарздорлар йўқ ҳисоби. Ҳатто, кўпчилик хонадон соҳиблари тўловларни ярим йил бир йил олдин тўлаб боришяпти.

Дарҳақиқат, бир уй негизида битта ширкат ташкил этиш нақадар самарали экани «Адолат сари» УМШ фаолиятидан ҳам кўриниб турибди. Кўпдан қуён қочиб қутилмас. Қисқа муддат ичида уйнинг барча подъездларига темир эшиклар ўрнатилди, уларнинг иккитаси капитал таъмирдан чиқарилди. Уйнинг олди панжара билан ўралиб, йўлакларга тош ётқизилди. Теварак-атроф ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Мухтасар айтганда, бир йилнинг нари-берисида бир уйда жами 21 миллион сўмлик иш амалга оширилди.

Жорий йилда ширкат аъзолари уйнинг мавжуд электр асбоб-ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга, қолган иккита подъездни ҳам капитал таъмирдан чиқаришга қарор қилишган. Уйнинг олд фасадини, канализация қувурларини таъмирлаш, йўлакларга айвончалар ясаб, ўриндиқлар ўрнатиш режаси ҳам кун тартибида. Аҳиллик, ўзаро бирдамлик бор жойда бундай катта- кичик муаммоларни ҳал этиш ҳеч гап эмас.

Норали ОЧИЛОВ, ЎзА мухбири.

Қарши Олимпия захиралари коллежи «Умид ниҳоллари — 2006» иштирокчиларини кутиб олишга шай.



Мана бу ёшларнинг юз-кўзларидаги ғурур вилоят халқининг кайфиятини ифодалайди.

ҚАШҚАДАРЁ — БУНЁДКОРЛИК МАЙДОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Замонавий обидалар

Қашқадарё ўзининг юлдузли онларини нишонлашга мислсиз кўламларда тайёргарлик кўраяпти. Биз ушбу мақоламизда ана шу тараддуд ҳақида ҳикоя қилишга ҳаракат қиламиз. Лекин вилоятнинг турли манзилларида ажиб бир меҳр ва эҳтирос билан барпо этилаётган бунёдкорлик масканларини фақат кўзингиз билан кўрсангизгина тасаввурингиз тўлиқ бўлишини айтамиз. Амалга оширилаётган ишлар қамровини сўз билан таърифлаш мушкул. Қисқа фурсатларда қад ростлаган иншоотлардан ақлингиз шошади, жаҳоний андозаларга жавоб берувчи объектлардан вужудингиз яйраб, танангизга кучқувват қуйилади. Янгитдан барпо этилаётган бир-биридан кўркам бинолар меъморий ечимларининг бетакрорлиги билан кишини лол қолдиради.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг тимсоли сифатида муҳташам Оқсарой, Дорусаодат, Дорут-тиловат каби ўнлаб иншоотларни бунёд этган эди. Бу меъморий обидалар бугунги кунда ҳам халқимизнинг қадимқадимга бориб тақаладиган тарихий илдизи бақувватлигининг далили сифатида савлат тўкиб турибди.

Биз бугун Қарши шаҳридаги қурилиш, ободончилик ишларини тарихий обидалар билан бежизга муқояса қилаётганимиз йўқ. Бундай буюк бунёдкорлик ишларига фақат иқтисодий бақувват давлат, маънавияти юксак, келажакка ишончи зўр халқгина қодирдир.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг Қашқадарё ёшларига қарата айтган қуйидаги сўзларини эслаш ўринли бўлади: **«Ғурур-ифтихоримиз тимсоли бўлмиш Амир Темур бобомизнинг худди шу заминда туриб, келгуси наслларга қарата айтган «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз?» деган сўзлари ҳеч қачон ёдингиздан чиқмасин. Токи юрагингиздаги ўт, билагингиздаги куч-кудрат бор экан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаб бораётган бугунги кунда ана шу даъватга доимо муносиб бўлинг. Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деб кўтарган истиқлол байроғини, ҳуррият байроғини сизлар янада баланд кўтарасиз, деб ишонаман».**

Вилоят ҳудудида, айниқса Қарши шаҳрида қад ростлаган замонавий иншоотларнинг кўпчилиги ёшларга, уларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши, интеллектуал ва жисмоний салоҳиятларини рўёбга чиқариши учун йўналтирилганлиги айниқса, қувончлидир.

— Мен ҳаётда кўп нарсани кўрдим, лекин ҳозиргидек қурилиш, ободончиликни ҳеч қачон кўрган эмасман, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Январ Иноятов. – Кейинги икки-уч йил ичида Қарши шаҳри бутунлай ўзгариб кетди. Кенг ва равон кўчаларни қаранг, ҳавасингиз келади. Қурилишнинг сифати ҳам, суръати ҳам ўзгарди. Илгари бир идора ўзига янги бино қураман деса, 5-10 йилга чўзиларди. Ҳозир бир йилнинг ўзида миллиард-миллиард сўмлик қурилиш объектлари ниҳоясига етказилаяпти. Энг муҳими, ишнинг сифати яхшиланди. Гугурт қутидек темир-бетон бинолар энди йўқ. Турар-жойлар ҳам, маъмурий бинолар ҳам бир-бирига ўхшамайди. Аэропорт, темир йўл вокзали, қатор-қатор коллежлар, марказий деҳқон бозори, амфитеатр, хуллас ҳаммасини санаб ҳам тугатолмаймиз. Шулар ҳаммаси кўз ўнгимизда юз бераётган ўзгаришлар. Бундан фахрланмай бўладими?!

Юртбошимиз ўтган йили ёзда вилоятда бўлганида Қарши шаҳрида жуда кенг миқёсда қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ишлари бошланганлиги таъкидлаб, уларни тўла-тўкис, меъёрига етказиб тугаллашни маслаҳат берган эди. Ушанда кўзда тутилган иншоотларнинг бир қисми бугунги кунда ниҳоясига етди. Биринчи навбатда шу йил май ойида бошланадиган «Умид ниҳоллари—2006» мусобақаларини ўтказиш билан боғлиқ спорт заллари, ўйингоҳлар, сузиш ҳавзалари тахт қилинмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, спорт иншоотларининг масъулиятли мусобақаларга тайёрлигини баҳолаш учун келган мутахассислар уларнинг имкониятларига юқори баҳо бериб, нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам тенгсиз эканлигини тан олишаяпти. Қалбларга ғурур, ифтихор бахш этадиган бундай улкан бунёдкорлик ишлари давлатнинг иқтисодий салоҳияти ва халқнинг мислсиз ғайрат-шижоати туфайли амалга ошмоқда.

Спортчилар шаҳарчаси

Қарши шаҳрининг марказида 50 гектар келадиган катта майдон узоқ йиллар бўш ётди. Бир вақтлар бу ерда улкан электрлампа заводи қурилармиш, деб довруқ солиниб, кейин қолиб кетди. Катта боғ бўлармиш, дейишди, бўлмади. Ҳатто нуроний оқсоқоллардан бири бўш ётмасин деб бир неча йил буғдой ҳам экиб олди. Мустақилликдан кейин бир чеккадан қурилиш бошланди. Йирик банкларнинг чиройли бинолари, академик лицей, коллежлар қад ростлади.

Бугунги кунда бу жой шаҳарнинг энг гўзал гўшаларидан бирига айланди. Қурилишлар силсиласи Олимпия захиралари коллежи ва Марказий стадион билан ниҳоясига етди. Эндиликда бу ерни чинакам спорт шаҳарчаси, десак муболаға бўлмайди. Келинг, бир бошдан бошлайлик.

Мутахассисларнинг фикрича, яқинда фойдаланишга топширилган Қарши Олимпия захиралари спорт коллежи коммуникациявий қулайликлари жиҳатидан нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона саналади. Бундай дейишимизга асос бор. Коллеж ҳудуди ўн олти гектарни ташкил этади. 900 ўқувчига мўлжалланган ўқув корпуси, ёпиқ спорт манежи, ёпиқ сузиш ҳавзаси ва кўплаб спорт залларига эга мазкур масканда йигирмадан ортиқ спорт турлари билан шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилган.

— Ёпиқ спорт манежи енгил атлетикага ихтисослашган, — дейди коллеж директори ўринбосари Алишер Рўзиев. — Бу ерда фақат машғулотларни ўтказиш эмас, йирик спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Росмана югуриш йўлаклари, катта майдон борлиги манеждан спортнинг кўпгина турлари билан бемалол шуғулланиш имконини беради. 1170 томошабинга мўлжалланган пластмасса ўриндиқлар ўрнатилган. Бундан ташқари, телевидение ва матбуот ходимлари учун алоҳида хоналар бор. Югуриш йўлакчаларидаги тўшамалар Германиядан келтирилган бўлиб, халқаро мусобақаларни ўтказиш талабига тўлиқ жавоб беради.

Мамлакат миқёсидаги мусобақаларда Қашқадарё вилояти сув спорти бўйича ҳеч қачон яхши натижага эришган эмас. Аслида бу соҳа билан шуғулланадиган жой ҳам, спортчи ҳам йўқ эди. Коллежда ишга туширилган ёпиқ сузиш ҳавзаси эндиликда бу муаммони ҳал этиши шубҳасиз.

Бу иншоотни кўздан кечирар экансиз, унинг маҳобатидан ҳайратга тушмай иложингиз йўқ. Бу ерда халқаро мусобақалар, Олимпиада ўйинларини ҳам бемалол ўтказиш мумкин. Бўйи 50, эни 25 метрлик ҳовуз зилол сув билан тўлдирилган. Чуқурлиги 2,5 метрдан 5 метргача бўлган ҳовуз турли масофага сузишдан ташқари, синхрон сузиш, трамплиндан сакраш, сув полоси каби спорт турлари бўйича ҳам мусобақа ўтказилар республикамизнинг турли ҳудудларидаги сузиш ҳавзаларида муваффақиятли синовдан ўтган. Эрон, Қозоғистон, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Корхона мутахассиси Пўлат Сафаровнинг таъкидлашича, сузиш ҳавзасига 12 та фильтрловчи ускуна ўрнатилган. Улар ҳовуздаги сувни йиллаб алмаштирмасдан ҳам идеал даражада тоза сақлаш имконини беради.

«19-Қашқадарёдеҳқонқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти қурувчилари томонидан қисқа муддатда қуриб битказилган Олимпия захиралари коллежида «Умид ниҳоллари – 2006» дастуридаги сузиш, стол тенниси, бадиий гимнастика, қўл тўпи, кураш, белбоғли кураш бўйича мусобақалар ўтказилади.

Коллежнинг шундоққина ёнида Марказий стадион бунёд этилди. Одатда стадион деганда кўз олдимизга футбол майдони, югуриш йўлаклари ва томошабинлар минбаридан иборат спорт иншооти келади. Бу иншоот ўзининг қурилиши жиҳатидан одатдаги стадионларга сира ўхшамайди. У аҳолининг доимий равишда жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун мўлжалланган оммабоп мажмуадир.

— Қашқадарёликлар миллионлар ўйини — футболни яхши кўришади, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Усмон Нусуров. — «Насаф», «Машъал» ва «Шўртан» жамоалари ўйнайдиган стадионлар ҳамиша футбол ишқибозлари билан гавжум бўлади. «Умид ниҳоллари — 2006»нинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтадиган 20 минг томошабинга мўлжалланган Марказий стадион шаҳар, вилоят аҳлига катта совға бўлди. «Samarkand Prover Univer Stile» корхонаси тайёрлаган лойиҳа асосида бунёд этилаётган мазкур стадион ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мажмуани бош пудратчи — «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» очиқ акционерлик жамияти вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Инжиниринг компанияси буюртмаси бўйича қурди. Лойиҳа қиймати — 6 миллиард 816 миллион сўм. Умумий ҳудуди 13 гектардан ортиқ. Асосий футбол майдонидан ташқари 8 та қўшимча футбол майдончалари ташкил қилинаяпти. Бу эса машғулотлар ўтказишда футболчиларга катта қулайлик туғдириши табиий. Шунингдек, ўйингоҳда меҳмонхона, 8 та спорт зали, мажлислар зали, алоҳида ошхоналар мавжуд. ФИФА талабларига тўлиқ жавоб берадиган бу стадион ҳам Марказий Осиёда ягона саналади. Стадионда футболчилар, ҳакамлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун қулай шароитлар яратилган. Иккала жамоа вакиллари учун ювиниш ва кийиниш хоналари алоҳида ташкил этилган. Футбол майдонига махсус дренажлар ўрнатилган бўлиб, ёмғирли об-ҳаво шароитида ҳам майдонда сув тўпланиб қолмайди. Футбол майдонининг қишин-ёзин кўм-кўк бўлиши учун чет элдан махсус ўт уруғи келтирилиб, кўкартириб қўйилди. Югуриш йўлакчаларига Германиядан келтирилган махсус полиэтилен тўшамалар ётқизилмоқда. Ўйингоҳда асосий ишлар қилиб бўлинди. Мазкур йирик қурилиш иншоотида 1700 нафардан зиёд қурувчи, монтажчи, механизаторлар меҳнат қилишмоқда. Бош пудратчи — «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» ОАЖ ишчиларидан ташқари, «Муборакнефтгазмонтаж» ОАЖ, Хоразм, Бухоро вилоятлари бунёдкорлари, Қарши ўрмон хўжалиги ходимлари меҳнат қилишмоқда.

«Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» ОАЖ бош муҳандиси Муродилла Мирзаевнинг айтишича, мажмуада асосий қурилиш ишлари бажариб бўлинган. Ҳозирда сўнгги пардозлаш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаяпти. Мураккаб лойиҳани ниҳоясига етказишда корхонанинг олтинчи вакиллиги устаси Зиёдулла Каримов, «Муборакнефтгаз» ОАЖга қарашли «Қоровулбозор» махсус монтаж корхонаси иш юритувчиси Муҳаммади Аълоев ва бошқа кўплаб қурувчилар жонбозлик кўрсатаяптилар.

Бугун қашқадарёликларнинг кўзини қувонтириб турган бу спорт масканларида эртага олимпиада, жаҳон чемпионлари етишиб чиқиб, дилларни ғурур ва ифтихорга тўлдиришига ишонгинг келади.



Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келадиган мусобақа қатнашчилари мана шундай шинам турар-жойларда истиқомат қилишади.

Талабалар турар-жойлари

Биз ҳам талаба бўлганмиз. Ётоқхонада яшаганмиз. Орадан кўп вақт ўтган бўлса-да, беш йил истиқомат қилган хоналаримиз ҳамон ёдимизда. Аксарият хоналар тўрт кишилик эди. Кроватлар зўрға сиғарди. Столни қўйишга жой тополмасдик. Шунинг учун ҳам кўпроқ кутубхонада ишлаб, ётоқхонага тунагани келардик. Ўз номи билан «ётоқхона» эди-да. Эндиликда эса ётоқхона йўқ. Унинг ўрнида талабалар турар-жойлари. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва кўрсатмаси билан талаба ёшларга ўқиш ва яшаш учун қулай шароит яратиб берилмоқда. Пойтахтимизнинг талабалар шаҳарчасидаги турар-жойларни телевизорда кўриб, роса ҳайратга тушган, кўнглимиздан «бундай шароит фақат пойтахтда бўлади-да», деган ўй беихтиёр кечган эди.

Биз Қарши Давлат университетининг 4 та талабалар турар-жойларини кўздан кечирар эканмиз, ёшларга ғамхўрлик умумдавлат сиёсати эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Бир вақтлар бу бинолардаги ётоқхоналардан талабалар безиб, хонадонларда ижарада туришни афзал билганлиги ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда собиқ ётоқхона бинолари на ташқи кўриниши, на ички жиҳозлари билан ўтмишни эслатади. Замонавий услубда таъмирланган масканга қадам қўяр экансиз, ўзингизни бир неча юлдузли меҳмонхонага киргандек ҳис қиласиз. Кўчадан келган оёқ кийимида хонага ўтиш қандайдир ноқулайлик туғдиради. Эшикдан кириш жойида оёқ кийимини алмаштириш учун қулфланадиган махсус металл шкафчалар бежизга қўйилмаганлигига амин бўласиз. Хоналарнинг жиҳозланиши ҳам замонавий. Бирорта эски мебелни кўрмайсиз. Кўрпа-тўшакнинг ҳам оҳори тўкилмаган. Қайта жиҳозлаш билан нозиктаъб дизайнер шуғулланганлиги шундоқ сезилиб турибди.

— Талабалар турар-жойлари ҳали такомилига етгани йўқ, — дейди университет проректори Исмат Худойбердиев. – Ҳали ҳамма ишлар бажарилганда кўрасиз, талабалик чинакам олтин давр бўлади. Хоналарга 2 тадан талаба жойлаштирилади. Ҳар бир яшовчи учун алоҳида иш столи, китоб жавони қўйилади. Ёшларнинг дарсдан бўш пайтларини кўнгилли ўтказишлари учун талабалар турар-жойларида интернет-клуб, тренажёр зали, дам олиш, маънавият ва тиббиёт хоналари бўлади. 500 ўринга мўлжалланган ошхона ҳам талабалар хизматида. Бундай катта ҳажмдаги таъмирлаш, жиҳозлаш ишларини бажариш учун бизга катта ёрдам берган ҳомийлардан жуда миннатдормиз.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг талабалар уйида ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик. Институт ректорининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича ўринбосари Ўрол Ҳайитовнинг таъкидлашича, ҳомийлар кучи билан катта ҳажмда таъмирлаш ишлари бажарилган. Шу кунларда жиҳозлаш ишлари олиб борилаяпти.

Ҳар иккала олий ўқув юрти турар-жойлари «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари кунларида унинг қатнашчиларига хизмат кўрсатади. Бундан ташари, шаҳардаги маданият, тиббиёт, қишлоқ хўжалик, педагогика, санъат, политехника, иқтисодиёт ва ахборот технологиялари коллежлари, «Нуристон» академик лицейининг ётоҳхоналари ҳам меҳмонларни қабул қилади. Уларда «Умид ниҳоллари – 2006» мусобақаларига тайёргарлик жараёнида амалга оширилган таъмирлаш-жиҳозлаш ишлари вилоят талаба ёшларининг ўқиш ва яшаш шароитини яхшилаш бўйича белгиланган катта дастурни рўёбга чиқаришда муҳим босқич бўлиб қолади.

Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган бундай кўламдор, ҳавас уйғотадиган масканларни яратиш учун бунёдкор қўллардан нима талаб қилинади? Моддий негиз, етарли сармоя демоқчимисиз? Тўғри, ҳар қандай қурилиш учун таг-заминнинг аҳамияти катта. Аммо Қашқадарёда шаклланаётган иншоотларнинг бу қадар жозибадор, кўркам қиёфа касб этиши учун, аввало, Ватанни севиш керак! Қалбида Ватан туйғуси жўш урган инсонларгина шундай ажойиб ишларга қодир. Шундай бунёдкорлик манзиллари Ўзбекистоннинг чинакам имкониятларини бутун жаҳонга аён қилади. Биз шу ўринда ҳам соҳибқирон бобомиздан қувват оламиз: «Буюклигимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг».

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Бўри НОРҚОБИЛОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» махсус мухбирлари.
Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.

«Санъат менинг қуёшимдир»

Саодат Қобуловнинг номини эшитмаган, унинг булбулдай овозини тингламаган ва завқланмаган одам топилмаса керак. Ўзининг сермазмун умри давомида минглаб санъаткорларга устозлик қилган опа бугун шогирдлар ардоғида. Яқинда Ўзбекистон халқ артисти, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳибаси Саодат Қобулованинг сермазмун ҳаёти ва ижоди ҳақида "Санъат менинг қуёшимдир" деб номланган китоб босмадан чиқди. Урфон Отажон қаламига мансуб ушбу асарда Саодатхонимнинг нафақат санъаткор, балки беназир устоз, садоқатли аёл сингари сифатлари ҳам тараннум этилган.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ВА ШУҒУЛЛАНМОҚЧИ БЎЛГАН ТАДБИРКОРЛАР ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

автомобиль транспортига оид қонунлар, қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича йўловчи ва юк ташишни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, қайта расмийлаштириш, муддатини узайтириш юзасидан, шунингдек, ташувчи ёки мижоз сифатида ўзингизни қизиқтирган бошқа барча саволлар билан

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИнинг

www.uzaart.uz веб сайтига ҳамда агентлик ва унинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги ҳудудий бўлимларига мурожаат қилишингиз ва керакли маълумотларни олишингиз мумкин. Бу ерда сиз автомобиль транспортида фаолият кўрсатиш учун лицензиялар олиш ва қайта расмийлаштириш имконига ҳам эга бўласиз. Ҳудудий бўлимларимиз манзиллари:

- Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги: Тошкент ш., У. Юсупов к., 3-уй, тел.: 144-30-63, 41-14-17.
- Тошкент вилояти бўлими: Тошкент ш., «Олмалиқ ҳалқа» к., 1-уй, тел: 98-39-86.
- Сирдарё вилояти бўлими: Гулистон ш., А. Навоий к., 64-уй, тел: 25-15-84, 25-24-26.
- Жиззах вилояти бўлими: Жиззах ш., «Тошкент» к., 1-«А» уй, тел: 4-12-31, 6-16-30.
- Андижон вилояти бўлими: Андижон ш., А. Йўлдошев к., 30-уй, тел: 24-32-33, 24-17-23.
- Фарғона вилояти бўлими: Фарғона ш., ал-Фарғоний к., 52-уй, тел: 24-53-81, 24-35-37.
- Наманган вилояти бўлими: Наманган ш., Н.Намангоний к., 20-уй, тел: 6-27-58, 6-27-89.
- Самарқанд вилояти бўлими: Самарқанд ш., А. Темур к., 69-уй, тел: 33-71-12, 33-31-38.
- Навоий вилояти бўлими: Навоий ш., А. Навоий к., 5-уй, тел: 4-68-91.
- Бухоро вилояти бўлими: Бухоро ш., Шнейдер к., 1-уй, тел: 5-08-59, 5-08-39.
- Қашқадарё вилояти бўлими: Қарши ш., «Ғузор» к., 12-уй, тел: 7-00-72.
- Сурхондарё вилояти бўлими: Термиз ш., М. Қошғарий к., 42-«А» уй, тел: 3-73-14, 3-57-85.
- Хоразм вилояти бўлими: Урганч ш., «Хонқа» к., 62-уй, тел: 5-58-56, 5-47-52.
- Қорақалпоғистон Республикаси бўлими: Нукус ш., А. А. Досназаров к., 62-уй, тел: 2-47-08, 2-47-09.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad Сделаем жизнь спокойнее!

ADI International Panasonic

Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы видеонаблюдения

PELCO

DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER

J&S

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

HYUNDAI

DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY

DONGNAMUZ MOTORS

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Умуммамлакат марафони

Соҳибқирон қадамжолари бўйлаб

8 апрель куни мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри вакиллари иштирокидаги югуриш марафони Буюк соҳибқирон таваллуд топган замин — Шаҳрисабзда ниҳоясига етди. Бундан роппа-роса 9 кун олдин Наманган, Термиз ва Нукусдан старт олган спортчилар Амир Темур салтанатининг пойтахти бўлган Самарқандда учрашиб, биргаликда Шаҳрисабз сари йўлга чиқдилар.

Соҳибқироннинг жанговар юришларига гувоҳ бўлган шаҳар ва қишлоқлардан, айниқса, Зарафшон тизма тоғининг довон йўлидан ўтиш чоғида спортчилар ҳарчанд чарчашган бўлишсалар-да, юрт тарихига, ўтмиш қадриятларимизга бевосита дахлдор бўлишганидан қалбда чексиз ғурур ҳиссини туйдилар.

Қадимий Шаҳрисабз марафон қатнашчиларини шаррос ёмғир билан кутиб олди. Бу марафон ташкилотчилари учун бироз қийинчилик туғдирган бўлса-да, Оқсарой майдонини тўлдириб турган томошабинларга завқ-шавқ бахш этди. Амир Темурнинг салобатли ҳайкали рўпарасида ўрнатилган марра чизиғини бирин-кетин байрамона кайфиятдаги спортчилар кесиб ўта бошладилар. Уларни томошабинлар олқишлар билан кутиб олишди.

Барча босқичлар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Қашқадарёликларга иккинчи ва фарғоналикларга учинчи ўринлар насиб этди. Шахсий биринчиликда эркаклар ўртасида сурхондарёлик Андрей Сорокин, хотин-қизлар ўртасида андижонлик Дилшода Саиджонова ғолиб деб топилди. Қашқадарё вилояти вакили Ирода Пўлатова «Марафон маликаси» унвонига сазовор бўлди. Ғолибларга марафон ташкилотчилари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари берилди.

Наврўз айёми ва Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган умуммамлакат марафони қатнашчилари Соҳибқиронинг ҳайкали пойига гуллар қўйиб, ўзларининг чексиз ҳурмат-эъзозларини изҳор этишди.

— Бундан бир неча йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан байрам саналарига бағишлаб, аҳолининг кенг қатламини оммавий спортга жалб этиш мақсадида асос солинган умуммамлакат оммавий марафони нуфузи йилдан-йилга ошиб бораяпти, - дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг масъул ходими Тўлқин Хусенов. -Бу сафарги марафонда ҳам 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган минглаб югурувчилар қатнашдилар. Вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларда марафон қатнашчиларини олқишлар билан кутиб олишди. Ҳар бир босқич ғолиблари муносиб тақдирланди. Марафонга шаҳрисабзлик машҳур спортчи, югуриш бўйича мамлакат ва халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб ном қозонган, ҳозирги вақтда Шарқшунослик институтида кафедра мудири бўлиб ишлаётган Ашур Нормуродов бош ҳакамлик қилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Марафонни ташкил қилишда ва ўтказишда унинг хизмати катта бўлди. Умуммамлакат марафони фақат спорт мусобақаси бўлиб қолмай, катта маърифий-тарбиявий тадбир ҳамдир. Мусобақа муҳити, ҳаяжонли учрашувлар, самимий мулоқотлар марафон қатнашчиларининг ёдидан сира чиқмайди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.
Ж. НОРҚОБИЛОВ
олган сурат.

Кўргазма

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги Фото уйида Абдуғани Жуманинг "Қалбим меҳваридан ўтаётган дунё" деб номланган кўргазмаси давом этмоқда. Кўргазмада моҳир фотосанъаткорнинг элликдан ортиқ суратлари намойиш этилаётир. Улардан айримларини газетхонлар эътиборига ҳавола этаяпмиз. Суратлар ўзи сўзлайди.

Китоб жавонингизга

Фойдали луғат

«Агнатия», «прогнатия», «флюс» сингари сўзларнинг қандай маъно англатишини ҳар ким ҳам тушуниб етмайди...

Бунинг учун, очиғини айтганда, стоматолог-мутахассис бўлиш керак. Шу маънода бу соҳага қизиққан, мазкур фаннинг бугунги кундаги долзарб муаммоларидан бири — тиш имплантацияси ва тишларни экиш (реплантация) билан боғлиқ йўналишларда фаолият кўрсатаётган ёш мутахассислар учун яқиндагина «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган «Стоматология ва имплантациядан луғат» номли китоб жуда қўл келиши шубҳасиз. Сабаби ҳозирги даврда тиш имплантациясига доир кўплаб китобларнинг нашр қилиниши, имплантат ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолиятларини кенг доирада кучайтириб юборганликлари стоматология ва унинг бу соҳасида кўпдан-кўп янги тушунча, ибораларнинг пайдо бўлишига олиб келяпти. Натижада ёш мутахассислар стоматология ва имплантологияга доир кўп терминларни билмасликлари маълум бўлмоқда.

Қолаверса, мамлакатимизда, чет элларда ўтказилаётган анжуманларда чоп этилаётган адабиётларда ҳам жуда кўп янги терминлар қўлланилмоқдаки, бу ҳолат орттирилган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилида луғат тузишни тақозо этди. Шу маънода Республика бош стоматологи, профессор С.Аъзамхўжаев, мамлакатимиздаги Стоматология ва имплантология маркази раҳбари, Сиан медицина университетининг фахрий профессори Б.Мансуров, олий тоифали жаррох-имплантолог Т.Муллаевлар тайёрлаган илк луғатда шу соҳа мутахассисларининг доимий муомаласидаги сўзларга аҳамият берилган. Ва энг қулай жиҳати шундаки, луғатдан фойдаланишда енгиллик туғдириш мақсадида у ўзбекча, русча ҳамда инглизчада алифбо тартибида жойлаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркагичлар керакми? Марҳамат!

«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ

«AGRIXIM»

ЎЗБЕКИСТОН–ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагич-чангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланиляпти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ховли-жойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.

Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz
2414R/610

КИТОБХОН МАҲАЛЛА

Китобни офтобга қиёслашади. Зеро, қуёш бутун оламни заррин нурлари билан чароғон этганидек, китоб ҳам инсон қалбини ёритади. Ватанни севишга, миллий қадриятларни эъзозлашга, маданий меросни кўз қорачиғидек асрашга ва эзгу мақсадлар сари интилишга ўргатади.

Маънавият

Яқинда Тошкент шаҳридаги Катта Дўмбиробод маҳалласида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Чилонзор тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ёшларни маънавиятга, китобга яқинлаштириш мақсадида тадбир ташкил этилди.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг директори Мизроб Бўронов, директор ўринбосари Назира Жўраевалар нашриётда чоп этилган адабиётлар, уларнинг матбаа ижроси ҳақида сўзлаб, келгусида чоп этилиши режалаштирилган адабиётларнинг мазмун-мундарижаси билан таништирдилар, китобхонларнинг талаб-истакларини эшитдилар.

Маҳалла ҳудудида жойлашган мактабларда ва 4-санаторий мактаб-интернатида таълим олаётган ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари иштирок этишган тадбирда шунингдек, халқимизнинг севимли ёзувчилари Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон Миллий университети профессори Абдуғафур Расулов китоб байрамига файз киритди.

Тадбир сўнгида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан маҳалла ҳудудида жойлашган 232 ва 131-мактаблар ҳамда 4-санаторий мактаб-интернати ўқувчиларига юз минг сўмлик китоблар тўпламини тақдим этди.

Илҳом ЗОЙИРОВ.

ЧИНОЗНИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

Чиноз тумани марказининг «Хўжа» маҳалласида "Отажон ҳожи" гузари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уни тадбиркор Қобил Маҳмудов ўз маблағи ҳисобига бунёд этди. Ушбу замонавий гузарда тўйлар, тантаналар ўтказадиган катта зал, чойхона мавжуд. Шу билан бирга, бу ерда тикувчилик цехи, эркаклар ва аёллар сартарошхонаси, спорт зали ҳам фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла қўмитаси ва посбонлари, милиция таянч пункти, кўрлар жамиятининг туман бўлими учун ҳам алоҳида хоналар ажратилган.

Эътиборлиси, гузарнинг очилиш маросими савобли иш билан бошланди. Тадбиркор маҳалладаги кам таъминланган уч оиланинг беш нафар фарзандига суннат тўйи қилиб берди.

— Ўз маблағимиз ва "Ҳамкорбанк"дан олинган кредит эвазига гузарни қурдик, — дейди Қобил Маҳмудов. — Ҳозир бу ерда 30 дан зиёд киши иш билан таъминланган. Мақсадимиз аҳолига турли хил хизматлар кўрсатиш ва фаолиятимизни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари сонини кўпайтиришдан иборатдир.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

САВДО ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ
«САВДОГАР»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
КЕНГАШИ
Ўз акциядорларига 2006 йил 6 май куни соат 10.00да Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 76-уйда ўтказилиши мўлжалланган акциядорларнинг умумий йиғилиши бошқа кунга қолдирилганлигини маълум қилади.
Йиғилиш ўтказиш санаси қўшимча равишда маълум қилинади.
МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 54-18-65.
Банк кенгаши
2463R/699

"TOG'LAR" MCHJ
БЭМЗ МПЗ ВЭТЗ
ШАХСИЙ ОМБОРХОНАДАН ВА БУЮРТМАГА АСОСАН
+ Электродвигателлар 1 кВтдан 1 мВтгача
+ Дизель-электростанциялар 8 кВтдан 630 кВтгача
+ Кабель (ААШВ, АСБ, АВВГ, КГ ва бошқа русумлар)
+ Трансформаторлар, трансформатор жамламалари (подстанциялар. КТП, ГКТП, ТП, КСО, ВРУлар)
+ Авиа ва аэродром электр жиҳозлари
+ Прожекторлар ва ёритгичлар (ЛПО, ЛВО, ЛСП, ПКН, ИО ва ҳ.к.)
+ Ёритиш мосламалари жамламаси
+ Божхонада юкларни расмийлаштириш хизматлари
Тел.: (+998 98) 128 5987, (+998 97) 107 2841, (+988 712) 56 0955.
Т./Ф. (+988 71) 152 1629.
E-mail: toglar_uz@mail.ru
2150R/99
ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР
AVTODOM PLUS
"ВОЛГА", ГАЗ 31105
ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли
Газ 32214, "Тез ёрдам" автомобили
ГАЗ 3307-12, "Сут" автоцистернаси
ГАЗ 3307, "Саноат моллари" фургони
ГАЗ 2752, Инкассация автомобили
ГАЗ-33023, юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан копланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.
ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.
ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.
АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА
700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун
ШИНА
таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Молия департаменти бошқарма бошлиғи Садриддин Раҳимовга падари бузруквори **ЭГАМ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Г. В. Плеханов номли Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси иқтисод фанлари доктори **Бобониёз Чўлиевич МУРТАЗАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Toshkent» телерадиоканали жамоаси телерадиоканал ходими Саъдулла Нарзуллаевга отаси **НАРЗУЛЛА бобонинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси банкнинг Сирдарё вилоят филиали бошлиғи **Ўткир Шоймқулович ПИРИМҚУЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Меҳнат иқтисодиёти ва аҳолишунослик кафедраси собиқ профессори **Бобониёз Чўлиевич МУРТАЗАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456